

# **Камбағалликни қисқартириш, ахоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш, касаначиликни ривожлантириш тўғрисида**

## **Ахоли бандлиги бўйича**

1. Ахоли бандлигига кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда – Бандлик бўлимлари) томонидан жорий йилда **696,3 минг** ахолига **бандлик хизматлари кўрсатилди**.

*Шундан, **414,6 минг** нафарини (60%) аёллар ва **249,5 минг** нафарини (35%) ёшлар ташкил этади.*

Бандлик бўлимлари томонидан **364,7 минг** нафар ишсиз фуқаронинг корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Ишга жойлаштиришда хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорлик кучайтирилиб, **202,3 минг** фуқаролар тадбиркорлик субъектлари ва бошқа нодавлат ташкилотларига, **162,4 минг** нафари давлат секторидаги ташкилотларга ишга жойлаштирилган.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига **жорий йилда 60 минг** нафар эҳтиёжманд фуқароларни ишга жойлашишига кўмаклашилди. **15 минг** нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича алоҳида **дастур** ишлаб чиқилиб, ушбу дастур доирасида жорий йилда **17,4 минг** ногиронлиги бўлган шахслар ишга жойлаштирилди.

**33,8 минг** ишсиз фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланиб, Бандликка кўмаклашиши давлат жамгармаси маблаглари ҳисобидан **58,9 млрд. сўм** миқдорида ишсизлик нафақаси тўлаб берилган.

2023 йилда **8,7 минг** корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган **41 минг** буюртмаларга асосан **112,8 минг** банд бўлмаган аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган ва уларнинг иш ҳақи учун **124,6 млрд. сўм** маблағ ажратилган.

2023 йил давомида Бандлик бўлимлари томонидан **1 067 та** иш берувчиларга **6,8 минг** нафар ишсиз фуқароларни ишга қабул қилганлиги учун Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси ҳисобидан **37,7 млрд. сўм** миқдорида бандликни рағбатланирувчи субсидия маблағлари ажратилган.

**2023 йилда** тадбиркорлик субъектларига ишга қабул қилинган **5 минг** касаначи учун **35,5 млрд. сўм** субсидия маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги “Касаначиликни янада ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-70-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлдаги 307-сонли қарорларига мувофиқ.

Йил бошида ишсизлар сони **1 млн 334 минг** нафарни ташкил этиб, ишсизлик даражаси **8,9 %** бўлган эди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, ишсизлар сони **1,0 млнга** нафарга камайтирилди. Йил якуни билан ишсизлик даражаси **6,8 фоизга** ёки **2,1 %** га камайди.

## Камбағалликни қисқартириш бўйича

2023 йилда амалга оширилган ишлар натижасида, Статистика агентлиги томонидан ўtkazilgan **16 мингта** уй хўжаликлари кузатувларига кўра, мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2023 йил якунида **11,0 фоизгача пасайди.**

Мамлакатимизда ўтган йилга нисбатан **3,1** фоизга камбағаллик қисқарган. 2022 йил натижаларида камбағаллик даражаси **14** фоизни ташкил этган.

Камбағалликнинг пасайиши барча вилоятларда қайд этилди. Сирдарё (19,5% дан 13,8% гача), Андижон (17,4% дан 11,9% гача) вилоятлари ва Қорақалпоғистонда (19,9% дан 13,7% гача) сезиларли даражада қисқарган.

**Минимал** ўзгаришлар Тошкент шаҳри (8,5% дан 7,9% гача) ва Бухоро (11,9% дан 11,8% гача), Қашқадарё (12,7% дан 11,5% гача) вилоятларида аниқланган.

*Маълумот учун: 2023 йилда жами 4,1 млн аҳоли, шундан 2,3 млн нафари доимий ва мавсумий иш ўринларида, 112,8 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида, 1,6 млн аҳоли ўзини ўзи банд қилиши ҳисобига бандлигини таъминлашга эришилди.*

Ҳоким ёрдамчилари кўмагида **241,3** минг нафар фуқароларга ижара асосида ер майдонлари ажратилди.

“20 минг тадбиркор 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида

**6 745** та тадбиркорлик субъектлари билан **455** минг нафар аҳолини бадлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Шунингдек, **472** мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳаларига **10** трлн. сўм имтиёзли кредитлар ва **73** минг нафар ишсиз фуқароларга **356** млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Маҳаллабай ишлаш асосида **51** мингта микролойиҳаларни амалга оширилиши натижасида **206** мингта янги иш ўринлари яратилди.

**181** минг нафар ишсизлар фуқаролар касб-хунарга ўқитилди ва **183,8** мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Инфляция даражасидан келиб чиқиб, 2024 йил учун ҳисобланган МИХ (минимал истеъмол харажатлари) қиймати **621 минг сўмни ташкил** этди. (2023-йил 568 минг сўм).

Камбағал оиласидан “Индивидуал дастур”лар тузиш орқали 2023 йилда **208 минг** оиланинг **873 минг** оила аъзоси камбағалликдан чиқарилган бўлса, 2024 йилда камбағалликдан **150 минг** оила (ва унинг 700 минг оила аъзоси) чиқарилиши режалаштирилган.

### **Касбга ўқитиш бўйича**

Вазирлик тасарруфида **34 та “Ишга марҳамат” мономаркази**, **53 та** касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, **629 та** маҳалла касб-ҳунарга ўқитиш масканларининг **ўқитиш дастурлари** қайта кўриб чиқилди, ягона тизимга келтирилди.

Хусусан, ғишт терувчи, бетончи, кран машинист, автокран бошқарувчи, ошпаз, автомобил таъмирлаш каби касбларга ўқитищда назарий билимлар 50 фоиздан 30 фоизга **камайтирилди**, амалий дарслар эса **50 фоиздан 70 фоизга оширилди**.

Меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, **11 та янги** касб турлари бўйича ўқитиш йўлга қўйилди, хусусан, қуёш панелларини таъмирлаш, гидрометаллург-аппаратчи, бурғилаш қурилмаси машинисти каби касблар жорий этилди.

**43 та** марказларни, янги замонавий ўқув асбоб-ускуна ва **жихозлар** билан таъминланди. Бунга хорижий молиявий институтларининг **17,5 млн.** доллар маблағлари жалб этилди.

*Масалан, эркаклар ва аёллар сартарошлиқ, косметика, ошпазлик, қандолатчи, сантехника-чилангар, электрик, пайвандаш, умум қурилиш, юк крани оператори ва иссиқхона оператори, симуляторлар олинди.*

*Масалан, Жиззах шаҳар “Ишга марҳамат” мономаркази учун Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириши агентлигининг (ТИКА) қиймати **50 минг.доллар гранд маблағи** жсалб этилди.*

*Бунинг эвазига, замонавий пойябзал таъмирлаш ва косибчилик йўналишиларидағи жиҳозлар тўплами ўрнатилди.*

Шунингдек, марказлардан унумли фойдаланиш бўйича ўқув курсларини сменали ташкил этиш ҳисобига марказларнинг ўқув қуввати **24 мингтага** оширилди.

Натижада, жорий йилда **163 минг** нафар ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **75** турдаги касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўнималарига ўқишига жалб этилди.

Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан **33 бараварга**, 2022 йилга нисбатан **1,5 барабарга** оширилди.

Касб-ҳунарга ўқитиш учун юборилганларнинг **85 фоизи** (184 минг нафари) **хотин-қизлар**, **45 фоизи** ёшлар (90 минг нафари) улушига тўғри келади.

Шунингдек, марказларда **ногиронлиги бўлган шахсларни** ўқитиш кўлами ҳам кенгайтирилди.

Хусусан, 2021 йилда **256 нафар** ушбу тоифадаги шахслар ўқишига жалб этилган бўлса, жорий йилда **5,1 минг** нафарга етказилди ёки **20 бараварга** оширилди.

Ишсизлар, камбағал оила аъзолари ва ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан **593 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

2023 йилнинг ўтган даврида банд бўлмаган фуқароларнинг қарийб **113 минг** нафари **ўқишини тамомлади**. Ўқишини тамомлаганларнинг **89 %** (**101 минг нафари**)ни **бандлиги таъминланди**.

## **Меҳнат миграцияси**

**I.** Меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, номзодларни касб ва чет тилига ўргатиш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ишлари янги босқичга олиб чиқилди.

1. 2023 йилда хорижий иш берувчилар ва рекрутинг агентликлари билан Ўзбекистондан ишчи кучини жалб қилиш бўйича **118 та** шартномалар имзоланди ва жами келишувлар **268 тага** етказилди.

Жорий йилда илк маротаба Ўзбекистон фуқаролари **Руминия, Канада, Финландия, Хорватия ва Венгрия** каби давлатлар билан ҳамкорлик келишувига эришилди.

Натижада, **иқтисодиёти ривожланган** давлатларда **117 мингга** яқин бўш иш ўринларига эҳтиёж аниқланди ва **67 мингта** иш ўрнига дастлабки талабномалар олинди.

Бугунги кунда, **Европа давлатлари** билан ҳамкорликда **76 минга** яқин бўш иш ўринларига Ўзбекистон фуқароларини жалб қилиш бўйича **20 дан** ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан: **Германиянинг 18 та** иш берувчи ва рекрутинг агентликлари билан **30 мингдан** ортиқ Ўзбекистон фуқароларини **тиббиёт, ҳайдовчилик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари**га тўғридан тўғри ва *Ausbildung (дуал таълим)* асосида ишга жалб қилиш йўлга қўйилди.

**Буюк Британиянинг 3 та** рекрутинг ташкилоти билан **7,5 мингдан** ортиқ Ўзбекистон фуқароларини **электро механик ва қассоблик** соҳасидаги узоқ муддатли ва қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

2. Юқоридаги тадбирлар натижасида, жорий йилда **38 минг** фуқаролар хорижий давлатларда **ишга жойлаштирилди**, прогноз **108 %** га бажарилди.

**2022 йилда** ташкилий тартибда хорижий давлатга ишга жойлаштирилган фуқаронинг **40 фоизи** ривожланган ва иш ҳақи юқори бўлган (*1,2 – 2,5 минг АҚШ долл.*) давлатларга юборилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич **62 фоизга** оширилди.

**Илк бор 2 мингга яқин фуқаро Буюк Британияга, 500 нафар** фуқаро Германия давлатига юборилди.

Корея давлатига юборилган фуқаролар сони **1,5 бараварга** кўпайтирилиб, **4,9 минг** нафарга етказилди.

3. Мехнат миграцияси географиясини кенгайтириш натижасида аниқланган иш ўринларини тўлдириш учун **номзодларни мақсадли тайёрлашга** алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Номзодларни касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитища, ўзимизда мавжуд мономарказ ва касб-хунар ўқитиши марказларидан ташқари, **10 та** хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамиз ҳудудларида **48 та курслар фаолияти йўлга қўйилди.**

Уларда бугунги кунда **2 мингга** яқин фуқаро ўқитилемоқда. Курсларни тугатган **324 нафар** фуқаро хорижга ишга юборилди.

*Мисол учун, жорий йилда Германиянинг “GfM Gruppe”, “Nova Agency” ташкилотлари ва Швецариянинг “GLOBOGATE Recruiting GmbH” компанияси вакиллари билан ҳамкорликда 500 га яқин фуқаролар касб ва немис тилига ўқитилди.*

**4. Хориждаги меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизим ишлар йўлга қўйилди.**

Ташки меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналари ва вакиллари, консуллик муассасалари томонидан **1 448 та** корхонада ишлаётган **167 минг** нафардан ортиқ меҳнат мигрантлари фаолияти мониторинг қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг июн-июль ойларида вазирлик ва агентликнинг **44 нафар** ходимлари **Россия, Қозогистон, Туркия ва Корея** давлатларида хизмат сафарида бўлиб, **766 та** обьектда **67,7 минг** ўзбекистонлик фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари ўрганилди.

Умуман олганда, хорижий давлатларда бўлиб турган **226 минг** нафар фуқароларимизнинг **14 минг** нафарига ҳуқуқий, **3 минг** нафарига моддий ва **13 минг** нафарига ижтимоий ёрдамлар ҳамда **197 минг** нафарига ахборот-маслаҳат хизматлари қўрсатилди.

## Мехнат инспекция

Давлат меҳнат назорати инспекцияси томонидан **16 038 та** текшириш ва ўрганишлар ўtkазилиб, **41 260 та** қонун бузилишлари аникланди. Аниқланган қонун бузилишлари юзасидан **8 451 та** ҳолатда **20,6 млрд сўм жарималар** қўлланилди ҳамда **5 998 та** ёзма қўрсатмалар берилди.

Қонун бузилишлари энг кўп таълим ва мактабгача таълим муассасалари (*21 286 та*), соғлиқни сақлаш (*3 589 та*), қурилиш (*1 867 та*), қишлоқ хўжалиги (*1 775 та*), саноат (*686 та*), транспорт (*539 та*), банк ва молия (*274 та*), савдо ва хизмат қўрсатиш (*237 та*) ва бошқа соҳаларда (*10 977 та*) фаолият олиб борувчи корхоналарга тўғри келади.

Мехнат мухофазаси ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан **21 902 нафар** фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди, шундан **13 306 та** мурожаатлар қаноатлантирилган ва **8 775 нафар** фуқароларни бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Назорат тадбирлари натижасида **5 805 нафар** фуқароларнинг жами **25,3 млрд сўмдан ортиқ** иш ҳақлари ундириб берилди.

Фуқаролар ва иш берувчилар ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини қўлланилиши юзасидан жами **9 110 та** тарғибот тадбирлари ўtkазилди.

**Мажбурий мәхнатта жалб қилиш бүйича 40 та мурожааттар келиб тушган бўлиб, ўрганиш натижаларига кўра 34 нафар мансабдор шахсларга 656,5 млн сўм жарималар кўлланилди.**

### **Хотин қизлар муамоларини ҳал этиш бўйича**

**7,7 млн** нафар (30 ёйдан ошган) хотин-қизлар хатловдан ўтказилиб, **1 млн 680 нафари** “Аёллар дафтари”га киритилди.

Йил бошидан бери, **993,4 минг** хотин-қизларга амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан:

**423,2 минг** нафарига тиббий, моддий ёрдамлар ва бандлик хизматлари кўрсатилди;

**48,9 минг** нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилди;

**224,4 минг** нафар бокувчиси бўлмаган аёлларга бир марталик моддий ёрдам, шундан, **3,8 минг нафарини** (99,4%) уй-жойи таъмирлаб берилди;

**201,9 минг** ижтимоий ёрдамга муҳтож 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ва тиббий ёрдам кўрсатилди;

**8,7 минг** уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг **1 481 нафари** уй-жой билан таъминланди, **7175 нафари**ни ижара пуллари тўлаб берилди;

**86,3 минг** қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд аёллардан моддий қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилди.

### **Жамғармалар маблағлари**

Камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳолига молиявий кўмак кўрсатиш мақсадида вазирлик тизимидағи жамғармалар томонидан жами **1074,4 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

Жумладан, **Бандликка кўмаклашиш** давлат жамғармасидан **477,7 млрд сўм**, **Жамоат ишлари** жамғармасидан **177,1 млрд сўм**, **Аҳолини тадбиркорликка** жалб қилиш жамғармасидан **300,6 млрд**

**сўм, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасидан **118,9 млрд** сўм маблағ сарфланди.**

### **Рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар**

**1.** Вазирлик тизимида мавжуд **50 та** давлат хизматидан **24 таси** ёки **48 фоизи** рақамли платформага ўтказилди. (йил бошида **9 та, 27 %** бўлган).

Бу хизматлардан жорий йил ўтган даврида **1,6 миллион** аҳоли фойдаланди (2022 йилда 1,1 миллион бўлган) ўтган йилга нисбатан **145 фоизга** ошди.

Рақамлаштириш натижасида **10 дан** ортиқ турдаги маълумот ва ҳужжатлар аҳолидан **талаб қилиниши бекор қилинди**.

*Мисол учун: Ишсиз деб эътироф этиши ва ишсизлик нафақасини тайинлаш, иши стажси, яшаши жойи тўғрисида маълумотлар мобил илова ёки интернет орқали олиш имконияти яратилди.*

**2.** Вазирлик тизимида ижро назорати бўйича янги электрон дастур (**edo.ijro.uz**) ишга туширилди.

Ҳужжат айланишига боғлиқ барча жараёнлар (хат, буйруқ, баён, чора-тадбирлар режаси, мурожаатлар) тўлиқ рақамлаштирилди ва унга марказий аппарат ҳодимлари тўлиқ ўқитилди.

*Ходимлар малакасини ошириши марказида ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб, тизим ташкилотларининг **4,7 минг** ҳодимлари анъанавий ва масофавий таълим шаклида **малакаси оширилди**.*

Бунинг натижасида жорий йилнинг 5 ой давомида жами **86,6 мингта** ҳужжатларни электрон юритиб, **55 млн. сўм** бюджет маблағлари (**2,5 минг** тонна қоғоз) иқтисод қилинди.

**3. Ягона миллий меҳнат тизимида** иш берувчи ва ҳодим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш,

ходимнинг меҳнат дафтарчаси тўлиқ рақамлаштирилди ва **5 711 минг** фуқаронинг электрон меҳнат дафтарчалари базаси шакллантирилди.

Натижада, меҳнат дафтарчаларини харид қилиш ва сақлаш харажатларига чек қўйиб, **йилига ўртача 1,5 млрд.сўм** маблағ иқтисод қилинмоқда.

Жорий йил сентябрь ойидан бошлаб, тузилган ва бекор қилинган меҳнат шартномалар бўйича **СМС хабарнома** хизмати ишга туширилди ва фуқароларга **201 мингта СМС** хабарномалар юборилди.

Фуқароларга **Пенсияни расмийлаштиришда** (ID-карта орқали) **ҳеч қандай ҳужжат талаб этмайдиган тизим яратилди.**

**4.** Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича **7 миллион** хонадон электрон маълумотлар базасини ўз ичига олган – **“Онлайн маҳалла”** тизими ишга туширилди.

Мазкур тизим **9 442 та** маҳалла миқёсида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Тизимда **1,2 миллион** камбағал оиласидан рўйхати шакллантирилди. Ҳоким ёрдамчилари томонидан ҳар бир оиласи камбағалликдан чиқариш бўйича **индивидуал дастурлар** ишлаб чиқилиб, тизимга жойлаштирилди.

*Хусусан, тизим доирасида ҳоким ёрдамчилари томонидан, кредит, субсидия олиш учун топширган аризаларни онлайн кузатиш, ишга жойлашиш, касб-ҳунар ва тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқитишга онлайн тавсия юбориш тизими йўлга қўйилди.*

Бунда, коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида, фуқароларнинг биометрик паспортлари ва ID-карталаридаги

бармоқ изларини ўқиши ва фуқароларнинг шахсий маълумотларини тасдиқлаш функцияси киритилди.

Ҳоким ёрдамчиларини кунлик бажараётган ишларини геолокация тизими орқали назорат қилиш имкониятлари яратилди.

**5. Нафақат, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки унинг чегараларидан ташқарида меҳнат қилаётган фуқароларимиз учун ҳам “**Labor-Migration**” дастурий мажмуасини жорий этилди.**

*Бунда, хорижий давлатларда иш қидирувчи сифатида онлайн рўйхатда туриши, чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқиши учун ариза топшириши, ҳаёт ва соглиқ суғуртасини онлайн расмийлаштириши ва хориждаги бўши иш ўринлари тўғрисида тезкор хабарлар юбориши имкониятлари яратилди.*

Ушбу дастурда **1,9 миллион**дан ортиқ фуқаро рўйхатга олинди ва уларга **2,8 миллион**дан ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Мазкур дастурдан фойдаланган ҳар бир меҳнат мигрантлари 200-300 сўм харажатлари иқтисод қилинмоқда (жами 700 млн).

**Озарбайжон Республикаси** тажрибаси асосида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Андижон минтақавий филиалида фуқаролар учун **кўп функцияли миграция** хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш ишлари якунланмоқда.

### **Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари**

Жисмоний ва юридик шахслардан вазирлик тизимга жами **369 719 та** мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг **187 581 таси** (50,7%) қаноатлантирилди, **167 551 таси** (45,3%) тушунтириш берилди, **3352 таси** (0,9%) рад этилди, **2103 таси** (0,6%) кўрмасдан қолдирилди, **721 таси** (0,2%)

тугатилди, **2338 таси** (0,6%) бошқа ташкилотта юборилди, **6 073 таси** (1,6%) ўрганиш жараёнида.

Шундан, Президент Виртуал қабулхонаси орқали **178 626 та** мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг **91 880 таси** (51,4%) қаноатлантирилди, **74 244 таси** (41,6%) тушинтириш берилди, **2954 таси** (1,7%) рад этилди, **1601 таси** (0,9%) кўрмасдан қолдирилди, **721 таси** (0,4%) тугатилди, **1513 таси** (0,8%) бошқа ташкилотта юборилди, **5 713 таси** (3,2%) ўрганиш жараёнида.